

## ЧЎЛПОН ИЖОДИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ҲАМДА ЖАДИДЛАР ҲАРАКАТИ

### ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ОРЗУСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Нурбой ЖАББОРОВ

*филология фанлари доктори, профессор*

*Алишер Навоий номидаги*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

[jabborov-nurboy@rambler.ru](mailto:jabborov-nurboy@rambler.ru)

Янги ўзбек шеъриятида Абдулҳамид Чўлпоннинг мавқеи алоҳида. Улуғ шоир долғали денгиз тўлқинлари янглиғ кўпириб-тошган туйғуларини, бамисоли саробдай етиб бўлмас орзуларини, кўнглини ўртаган чўнг армонларини поэтик рамз ва тимсоллар тилига кўчирди. “Чин юрак ва ҳис шоири” (3, 12) ўларок миллатнинг юрагини истибдод зангларида тозаламоқ истади, унинг ҳис-туйғуларини истиқлол ёлқини билан ёритди. “Булоқлар” тўплами чоп этилиши муносабати билан замондоши Вадуд Маҳмуд: “Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси “Булоқлар”да қайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги “Булоқлар”да сайрайдир, ўқуйдир. Ўзбекнинг руҳий тўлқинлари бунда кўпурадир, кўклар томон учадир, кўтариладир” (2, 16), деганида юз карра ҳақ эди.

Маърифатпарар жадидларнинг энг катта орзуси истиқлол бўлгани аён. Савол туғилади: миллий истиқлол ҳақидаги орзуларини Чўлпон қандай рамз ва тимсоллар орқали ифода этди? Улардан энг таъсирлиларига тўхталиб ўтсак. Бизнингча, улардан биринчиси – хаёл. Шоир наздида хаёл – миллатнинг озодлиги, юксалиши рамзи. Зеро, вужудни занжирбанд этиш мумкин, лекин хаёлни эмас. Энг оғир мустамлака замонларида эркинлигини сақлаб қолиши мумкин бўлган ягона нарса бу – хаёл эди. Тўғри, хаёлга кишан солмоқ маҳол. Бироқ у кўкка учса, ҳавога соврилса-чи? Чўлпоннинг мана бу изтироби сабаби шунда:

*Кенг хаёллар учдимиз кўкка*

*Бутун умидларим ёвларми кўмди.*

Хаёл қачон одамга қувват беради? Қачонки реал воқеликка айланса... Акс ҳолда у кўнгилга юпанч бўла олмайди. Хаёл, орзу воқеликка айланмас экан, мақсадга эришмоқ душвор. Бинобарин, ўй, хаёлнинг ўзигина кўнгил истагини қондирмаслиги аён. Қуйидаги сатрлар ана шундай кайфият самараси ўларок ижод этилган:

*Ўйланган ўйлар-ла кўнгил юпанмас,*

*Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,*

*Айтсалар бу тунда ёруз шам ёнмас,*

*Чақмаса гугуртни асл ўғлонлар.*

“Чўлпон шуурида қандай қутлуғ ниятлар туғилган, бошида қандай олижаноб ўйлар чарх урган бўлмасин, – деб ёзади академик Наим Каримов ушбу сатрларни таҳлил этар экан, – шоир кўнгли фақат бир нарсадан – Туркистон ўғлонларининг гугурт чақиб, тунни ёритишларидан мунаввар бўлиши мумкин эди” (4, 203). Устоз олим Чўлпон Анвар Пошони ана шундай ўғлонлардан бири деб билгани, унинг мустамлакачилар армияси билан бўлган қақшатқич курашда ҳалок бўлганидан астойдил кайғургани ҳақида ёзади. Бу фикр ҳам Чўлпон шеъриятидаги ўй, хаёл рамзлари замирида Ватан озодлиги ғояси яширинганини тасдиқлайди.

Кишан – истибдод исканжасидаги юрт тимсоли. Чўлпон энг фаол қўллаган бу тимсол орзудан кўра кўпроқ армонни ифодалаган. Зеро, кишан ва озодлик биргаликда мавжуд бўла олмайди. Улардан бирининг борлиги ўз-ўзидан иккинчисини инкор этади. Вужуд тугул ҳатто кўнгил ҳам кишанланган бўлсачи? Фожиа бундан ортиқ бўлмас:

*Кўнгил! Сен мунчалар нега*

*Кишанлар бирла дўстлашдинг?!*

*На фарёдинг, на додинг бор,*

*Кўнгил, сен мунча сустлашдинг?!*

Чин шоир кўнгли армонлар исканжасида қолиб кетиши мумкин эмас. Бу армон замиридан орзу ўсиб чиқиши аниқ. Зеро, орзудан мосиво инсоннинг қаноти қайрилиб қолади, келажакка бўлган умиди сўнади. Маърифатпарвар боболаримиз ана шундан сақлана билдилар. Қалбларга титроқ солувчи асарларида наинки ўз кўнгил истакларини, миллатнинг орзуларини ифодалашга муваффақ бўлдилар. Юқоридаги шеърнинг “*Кишанлар парчаланмасми? Қиличлар энди синмасми?!*” каби сатрларида айни шу моҳият ифодаланган. Бинобарин, Чўлпоннинг “*Кишан кийма, бўйин эзма, Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсен!*” деган сўзлари фақат ўз кўнглига эмас, истибдод исканжасидаги миллатга қарата айтилган ўтли хитоб эди.

“Кишан” сарлавҳали шеърда шоир бу тимсол моҳиятини янада таъсирчан талқин этади. Шеърда кишан эркинликнинг зидди ўлароқ умумлашма тимсол даражасига кўтарилган. Шоир мана бундай ёзади:

*Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқдир!*

*Темир бармоқларининг доғи буткул кетгани йўқдир.*

Шеърнинг 1922 йили ёзилгани эътиборга олинса, унда муаллифнинг шўролар сиёсати авжга минаётган кезлардаги ўйлари ифодалангани аён бўлади. Шоир “башар тарихининг ҳар саҳфасида қонли доғ” қолдирган, “юмилмас кўзларининг ҳар бири бир элни қаҳр айлайдиган” кишандан миллатни озод

этмоқ истайди. “Кишан – шеърда қулликни англатувчи рамзий образдир, – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов. – Аммо лирик қаҳрамон шу мудҳиш ва манхус кишан қаршисида дағ-дағ қалтирамайди, балки унга нафратини ошқор этиб, ундан буткул қутулмоққа ишонч билдиради” (5, 355).

“Қўзғалиш” шеърида ҳам кишан эркисизлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Лекин шоир шеърда тасвирланган руҳиятдан келиб чиқиб, бу кишанни занг босгани, унинг узилиш вақти келгани ҳақида ёзади:

*Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,  
Томиримда қўзғалишининг ваҳший қони гупурди.  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,  
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур.*

Замирида зулм ва ҳақсизликни ифодалаган кишан тимсоли Ватани ва миллатини истибдод исканжасида кўрган Чўлпон қалбидаги ададсиз андух, чексиз изтироб туйғуларини тажассум этгани билан шоир шеъриятида алоҳида ўрин тутди.

Булут – шоир дардларини, армонларини ифодалаган яна бир рамз. Қуёш нуруни, ёруғликни тўсиши жиҳатидан бу рамз ҳам мустамлака юртнинг оғир аҳволини ифода этади:

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булут, кўланка?*

“Мен шоирми” шеърида хаёл ва булут (кўланка) рамзлари уйғунликда тасвирлангани кузатилади. Хаёллари тизгинини кўйиб юборгани, улар минг қават кўкни бир бошдан сийпалаб ўтиб бораётгани ҳақида ёзар экан, шоир:

*Кўланка кабидир: ўтган еридан  
Сўнгра қарасангиз бир нишон қолмас –*

деган хулосага келади. Унинг изтиробини шу қадар чўнгки, бошқа бир шеърида булут рамзи замирига “Менинг кўнглимми қора?! Ё юрт кўкида булут?” тарзидаги Ватан ва миллат дарди билан ҳамоҳанг дардли саволни жойлайди.

Чўлпон она юрт бошига тушган фожиани бутун даҳшати, бор моҳияти билан очиб беради. “Чўлпон – Чўлпондир” фикрасида Аҳмад Шукрий шоирни Шекспирга қиёслагани бежиз эмас. “Чўлпон оти қулоғимга кирдикча Шекспир руҳи кўринадир-да турадир, – деб ёзган эди муаллиф. – Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърияти орасинда нақадар айирма ахтарсам-да, они топа олмадим. “Уйғониш”ни неча топқирлар ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим” (1, 15).

Аҳмад Шукрий, балки давр тақозоси биландир, бу икки ижодкорни қиёслаганда, фожа ҳақида гапирмайди. Бироқ унинг ёзганлари мағзидан ҳар

икки фожианавис (Чўлпон лирикада, Шекспир драмада) асарлари моҳиятидаги уйғунликни назарда тутганини сезиш қийин эмас.

Юлдуз – Чўлпон орзуларини таъсирчан, бетакрор ифодалашда фаол қўлланган рамз. Зеро, шоирнинг адабий таҳаллуси ҳам ана шу рамзга мутаносиб. “Ёруғ юлдузга” шеърида шоир гўзал, нурли юлдузга хитоб қилиб, оталарнинг тарихдаги хатоларидан, шу хатодан фойдаланиб, ёвларнинг эл кўксида сурган ишрат-сафосидан сўзлашини сўрайди. Ўтмишдаги турмушнинг қонли, шонли жиҳатларидан, юрт учун жонлар бериб, қонлар тўккан эрлар кечмишидан ҳикоя қилишини ўтинади. Бироқ юлдуз жим. Нега? Кўзлари қизариниб ёшланади – нима учун? Юзлари сўлғин тус олади – не сабабдан? Шоир таъбири билан айтганда, чунки унинг сўзлайдиган яхши сўзи йўқ. Чунки “оғиз очса, йўқсил элни эзмакка, қон қилмоққа ҳасратлари кўп”. Шеърдаги мана бу сўзлар шоир юрагидан армон бўлиб отилиб чиққан:

*Фалокатлар кўрган ота-боболар,  
Истиқлолнинг қимматини билмаган.  
Элу юртни сақлар учун сўнг хонлар  
Тузуқкина чора-тадбир қилмаган.*

“Юпанмоқ истаги” шеърида Чўлпон: “*Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса*” дея элдан толе юз ўгирганини айтиб, куйинади. “Амалнинг ўлими” шеърида эса шоир эрклик юлдузи ҳақида ёзади. Уни “*тутқун эллар учун само қундузи*” дея таърифлайди. Бу юлдузнинг изи кўнгилларда қолишидан дарак беради. Эрклик юлдузи, шоир наздида, истиқлол даракчиси, эркинлик элчиси сифатида намоён бўлади.

Юлдуз – Чўлпон наздида умид тимсоли. Тасаввур қилинг: гўристондай қоронғи. Зим-зиё бўшлиқда адашган бир йўлчи – бу тасвир шоирга истибдод зулматида йўлсиз қолган она Туркистонни эсалатади. У йўл кўрсатувчи юлдузга муҳтож. Қутулиш тонгидан мужда берувчи бу юлдуз миллий озодлик орзусини тажассум этади:

*Гўристон, қоронғи. Зим-зиё бўшлиқда  
Адашган бир йўлчи... тасаввур қилингиз.  
Қўрқасиз! Қўрқасиз!..  
Ва лекин уфқда  
Уч-тўртта юлдузнинг ўчмасдан, ярқираб,  
Нур сочиб тургани кўрилса.... дилингиз  
Қўрқилишдан бир қадар тўхтар-да, ярқираб  
Кўзингиз олдида бир умид кўринур.*

*Шу умид қутулиш тонгининг нуридир!..*

Бирок юлдуз шоир шеърларида ҳар доим ҳам умид тимсоли бўлиб келган дейиш қийин. Чўлпон назмий асарларида баъзан у умидсизликни ҳам ифодалаган. Биргина мисол:

*Чарчагон йўловчи йўлдан адашса,  
Текис йўл қолса-да, тоғлардан ошса,  
Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса,  
Шунда юпангайми ялангоч чўллар?*

Таъкидлаш керакки, бу сатрларда озодлик йўлидан адашган миллат аҳволи руҳияси ўз ифодасини топган. Бу ўринда тоғ – эрк йўлидаги тўсиқлар. Йўлни кўрсатувчи юлдузнинг қочиши – ундан толе юз ўгиргани белгиси. Мана, Чўлпон шеърлари замирида миллат дарди юлдуз тимсоли воситасида қанчалик қатма-қат, нечоғлиқ таъсирчан ифодаланган.

Машҳур “Қаландар ишқи” ғазалининг мактабида шоир ўз таҳаллуси маъносига ишора этган ҳолда мустамлака Туркистон таназули қай даражада чуқур эканини янада теран талқин қилади:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.*

Ушбу мактаб-байтни таҳлил этар экан, профессор Бегали Қосимов мана бундай ёзади: “Шубҳа йўқки, “Чўлпон” ва “Қуёш”нинг маънолари бу ерда жуда кенг. У осмон ёритқичлари ва ишқ-муҳаббатдаги мартабадан ҳоким ва маҳкум, ҳукмрон ва тобе сингари ижтимоий-сиёсий рутбаларгача дахлдор” (6, 446).

“Юрт йўли” шеърида муаллиф ўзини узоқ, оғир йўлга чиққан йўлчи ҳисоблаб, бу йўлларда қилоғузи – йўлбошчиси юлдуз эканини айтади. Мана бу мисраларда эса эртанги нурли истиқболга умид билан қарайди:

*Мен юртимнинг пок истакли кучимен,  
У юлдузнинг тугалиши кундуздир.*

Яъни шоир юрт бошига келган зулматли кунлар тугагини, тонг юлдузи кундузга уланишини орзу қилади.

Чўлпон шеърларида миллий истиқлол орзуси ифодаланган рамзлардан яна бири – тонг. Бир шеърини шоир “Тортишув тонги” деб атайти. Шеър енган қўшин бошлиғидек гердайтиб ботган қуёшнинг булутлар остидан чиқмоқ учун тиришаётгани тасвири билан бошланади. Муаллиф истибдод зиндонида кўпдан бери қуёш кўрмай захлаб қолган кўнгилларга истиқлол тонги муждасини беради:

*Қайғурингиз:*

*кишанларни ясовчи “усталар”,  
Бошқаларни “тубанлар” деб атовчи хўжалар:  
Сизнинг учун ёз бошининг қоридек  
эрув кунлар келадир.*

*Сизнинг учун олбостининг зоридек*

*йиғлар кунлар келадир.*

Шеърда отажак тонг пафоси – кўтаринки руҳ етакчилик қилади. “Кишанларни ясовчи “усталар”, Бошқаларни “тубанлар” деб атовчи хўжалар” – мустабид тузум яловбардорлари устидан ҳукм ўқилади. Шоир образли қилиб, улар учун ёз бошининг қоридек эрув кунлар келишидан, олбостининг зоридек йиғлар кунлар етишидан хабар беради. Бу амалда истиқлол ҳақидаги хабар эди.

Шоир мустақилликни образли тарзда “чиқадирган қуёш” деб атайди. Қуёшни этак билан тўсишга уриниш нодонликдан ўзга нарса эмас. Бу шунчалик ақлга номувофиқки, Чўлпон наздида, Азроил келганда жон бермасликка тиришмоқ билан баробар:

*Чиқадирган қуёшни сиз беҳуда*

*Этак билан тўсмоқ учун тиришманг.*

*Аҳмоқ бўлиб Азроилнинг олдида*

*Жон талашинг, то ўлгунча беришманг!*

Умуман, Чўлпон шеърлятида истиқлол ҳақидаги армонлару орзулар хаёл, кишан, булут, юлдуз, тонг сингари тимсоллар воситасида бетакрор бадий талқин этилган. Бир шеърда шоир “чечаклар унгуси кўз ёшларимдан” деганидек, унинг шеърлари кўнгилларда озодлик чечаклари унишига замин бўлди. Бугунги озод ва обод кунлар учун Чўлпон ва чўлпонлар олдида қарздормиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳмад Шукрий. Чўлпон – Чўлпондир. / Чўлпон ва танқид (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муалифи Б.Каримов). – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004, 15-бет.
2. Вадуд Маҳмуд. Чўлпоннинг “Булоқлар”и. /Чўлпон ва танқид. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004, 16-бет.
3. Зариф Башир. Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари. /Чўлпон ва танқид. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004, 12-бет.
4. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.– Т.: Ўзбекистон, 2008, 203-бет.
5. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Т.: Маънавият, 2004, 355-бет.
6. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш, Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. –Т.: Маънавият, 2004, 446-бет.